



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (11.719)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Энг улуг ва энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиеналарига санокли кунлар қолди. Ушбу қутлуғ сана арафасида пойтахтимиз туманларини айланар эканмиз, жойларда байрамни муносиб кутиб олишга қизгин тараддуд кўриляётганлигини, кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари амалга ошириляётганининг гувоҳи бўламиз. Файзли гўшалардан саналган Чилонзор туманида амалга ошириляётган орасалаш ишларидан ҳам кўзларимиз қувнади.



ЧИЛОНЗОР — ЯШНАЁТГАН ЧАМАНЗОР

минлангани гувоҳи бўламиз.

Туманда ўн та йрик ва 660 дан зиёд кичик бизнес субъектлари, шу жумладан 440 дан кўп хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида «Радикс», «Журабек лабораторияси», «Тарлепласт», «Таш-пет», «Атлас инвест» каби корхоналар салмокчи ўрин эгаллаб турибди.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсаткичларни

таққослаганда, саноатда ишлаб чиқариш ҳажми 18,4 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 14,7 фоизга ўсган.

Олий Мажлис биноси, «Истиклол» саройи, Муқимий номидаги мусикали комедия театри, Абулқосим мадрасаси туманга кўрк ва салобат бахш этади, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи шахримизнинг

энг сўлим ва хушманзара масканларидан ҳисобланади.

Йилдан йилга чирой очиб, гуллаб-яшнаётган туманда аҳоли саломатлиги йўлида 14 та шиfoxона ва саккиз та оилавий поликлиника, шунингдек Жарроҳлик илмий маркази, Республика тез шошлинч тиббий ёрдам маркази, Гематология ва қон куйиш илмий-текшириш институти, Республика стоматология маркази фаолият юритади. Бундан ташқари, 61 та мактабгача таълим му-

ассасаси, 36 та мактаб, 15 та касб-хунар коллежи, учтадан академик лицей ва олий ўқув юртлири мавжуддир. Туманда жойлашган Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси ва Сингапур менежментни ривожлантириш институти Марказий Осиёда ҳам юқори мавқени эгаллаб келмоқда.

(Чилонзор туманига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)

ЯНГИ ВА ЮКСАК УФҚЛАР САРИ

Ҳаво Флоти куни Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган қонуни билан белгиланган. Ҳозирги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси халқаро авиаташишлар бозорига ўзининг мустақкам ўрнига эга. Истиклол йилларида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан бу борада амалга оширилган ислохотлар соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини берди.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги ва авиаторларнинг касб байрами арафасида, деб хабар беради ЎЗА, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида биринчи ярим йилликда амалган оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Миллий авиакомпания матбуот хизматида маълум қилишларича, 2010 йилнинг олти ойи мобайнида авиакомпания ҳаво кемалари 11620 марта парвоз қилган ва бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 89 тага кўп, шунингдек, 972,6 минг нафар йўловчи ташилган (ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 122,7 минг нафар кўп). Мадрид ва Калининградга икита янги халқаро йўналиш очилди. Юк ташиш ҳажми ҳам 2,5 бараварга кўпайди: жорий йилнинг биринчи ярмида 22,6 минг тонна юк ташилган (йўловчиларнинг пулли юклари ҳисобга олинган ҳолда).

(Давоми 3-бетда).

Ободлик, саховатпешалик, фаровонлик... Халқимиз ҳажжиҳатлигини ифода этувчи эзгулик ришталари энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигига қизгин тараддуд кўриляётган тадбирлар давомида янада мустақкамланиб бораётганининг гувоҳимиз.

Ўтган шанба, яқшанба кунлари республикамизда умумхалқ ҳашари эълон қилинган ва ушбу меҳр-муруватга йўғрилган тадбирда 16 миллиондан зиёд аҳоли қатнашгани яна бир бор халқимизнинг олижаноб фазилатларини намоён этди. Маҳаллалар, меҳнат жамоаларига бирлашган фуқароларимиз уйларимиз атрофи, кўчаларимиз, шаҳарларимизни байрам олди янада обод, фуқароларимиз кўркам қилиш мақсадида ободлик ва саховатпешалик ҳаракатида ҳажжиҳат бўлиб қатнашди.

Умумхалқ ҳашарини ўтказиш бўйича республика штабидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, ободонлаштириш ва тозалаш ойлиги доирасида бўлиб ўтган ҳашар кунларида 17,8 минг ижтимоий кўмакка муҳтожларга 591 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди, тўққиз мингдан зиёд зиёратгоҳлар обод қилинди, 30 гектар ҳудуд, 22 минг километр ирригация тармоқлари тозаланди, 14 миллион туп дарахтга шакл берилиб, оқланди.

Пойтахтимизда бир миллион ҳамшаҳарларимиз кучи билан 1,7 минг гектар ҳудуд ободонлаштирилди, 750 километр ариқ тармоқлари тозаланиб, 245 мингта дарахт оқланди.

«Роҳат», Хусайн Бойқаро ва Олим Аширов номли маҳалла ёшлари ҳашар кунларида гуруҳларга бирлашиб, Бектемир туманида фуқароларга далолатнома ёзиш бўлими биносини бунёд этаётган қурувчиларга ёрдам беришни ўз бурчлари деб билишди. Байрам арафасида бу иншоот фойдаланишга топ-

Умумхалқ ҳашари ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ПОЙТАХТИМ

ширилади. Рамазон ойи яқунланиши билан янги ФХД бўлимида 20 нафар ёшлар никоҳдан ўтади. Туман «Маҳалла» жамғармаси томонидан бешта ёш оиланинг никоҳ тўйи ҳамда 20 нафар болажоннинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Ҳашар кунлари 12 та маҳалла аҳли саховатпешалик намунаси сифатида яққа-ёлғиз истиқомат қилувчи яқин қўшниларининг бир минг квадрат метр уй-жойини тартибга келтириб, таъмирлаш ишларида кўмаклашди.

Яқин кунларда Юнусобод туманидаги «Бободехқон» маҳалласи ҳудудида 12-оилавий поликлиниканинг врачлик шохобчаси қуриб битказилади. Шу му-



носабат билан икки кун давомида маҳалладошлар тиббиёт ходимлари билан биргаликда поликлиника бўлими хоналарини жиҳозлашда, шунингдек, атроф-ҳудудни тозалаш ишларида фаол қатнашди. Маҳалла аҳлининг яна бир қисми уруш фахрийларини ёд этиш мақсадида бунёд этилган «Мангулар хиёбони»ни ободонлаштириш билан машғул бўлди.

Саккокий номли маҳалла аҳли ҳашар юмушларини маҳалланинг пиру бадавлатлари — яқинда юз ёшини қаршилаган Маъсуда Бердиева ва Хотима Муҳаммадзокироваларни муборак ёшлари билан қутлаб, онахонларнинг дуосини олиш билан бошлашди. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, «Маҳалламиз тарихини ўрганамиз» танловида бу маҳалла голиб бўлган. Ҳашар давомида ҳудудлар обод қилинганидан сўнг маҳалладошлар гузарга тўпланиб, ушбу ютуқни биргаликда нишонлашди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Пойтахтимизда Ватанимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган «Энг буюк, энг азиз қадрият» мавзуида амалий семинар бўлиб ўтди. Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурларидаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу семинарда «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» деган эзгу гоёни ўзида муҳасам этган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ва тарғибот-ташвиқот ишларининг самардорлигини таъминлаш масаласи муҳокама этилди.

● Қашқадарё вилоятида энг улуг, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Жумладан, Қарши шаҳар истироҳат боғида ўтказилган «Менинг маҳаллам тарихи» мавзуидаги тадбирда вилоят марказидаги 62 маҳалла вакиллари иштирок этди.

● Фарғона вилояти Бешариқ туманининг Кўрғонча ва Янги кўрғонча қишлоқларида истиқомат қилаётган бир нечта хонадон Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини намунавий лойиҳалар асосида барпо этилган янги уйларда нишонлайдиган бўлди. Айни пайтда туманда 40 та 3 ва 5 хонадан иборат уйлар жадал суръатларда бунёд этилмоқда. Уйларнинг 25 таси мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.

● Ўртачирчиқ туманидаги «Кумовул» қишлоқ фуқаролар йиғинида «Онalar қуйлаганда...» аънавий кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи бўлиб ўтди. Танловда куйи босқичларда сараланган юз нафардан ортиқ истеъдод соҳибалари алла, ёр-ёр, лапар, айтишув, ўлан айтиш бўйича ўз маҳоратини намойиш этди.

● Сирдарё вилояти Оқолтин туманида қутлуғ байрам арафасида саховатли инсонлар томонидан катта хайрия тадбирига қўл урилди. Маҳаллий тадбиркорлар ва фермерлардан иборат ҳомийлар томонидан кам таъминланган оила-лардан беш нафар ёшларнинг тўйи ўтказиб берилди.

ЖАҲОНДА

● Ҳиндистонда мамлакат мустақиллигининг 63 йиллигига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Унда мамлакат бош вазири Манмохан Сингх юртдошларини қутлуғ байрам билан қутлади.

● Покистонда ҳамон давом этаётган кучли сув тошқинлари натижасида 20 миллион кишига зудлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатилиши талаб этилмоқда. Покистонга ташриф буюрган БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун 90 кун давомида мамлакатни қайта тиклаш учун 460 миллион доллар миқдоридаги маблағ тўплаш лозимлигини таъкидлади. Маълумотларга кўра, мамлакатда озиқ-овқат захиралари ва экин майдонларининг йўқ бўлиб кетиши натижасида 3 миллиард долларга яқин зарар етган.

● Португалияда ўрмон ёнгинларини сезиларли даражада жиловлашга эришилди. Ҳозирда ёнгиннинг 12 ўчоғидан фақат учтаси қолган.

● Кеча Франциянинг жануби-ғарбидаги Лурд шаҳрида христианларнинг байрами ўтказилиши олдидан номаълум киши кўнғирок қилиб шаҳар зиёратгоҳларида 4 та бомба портлатилишини айтган. Натижада 30 минг зиёратчи хавфсиз жойларга кўчирилган. Батафсил текширувлардан сўнг маълумотнинг сохта эканлиги аниқланди.

● Кеча Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида яқунланган сув спорти турлари бўйича Европа чемпионатида жами 28 та медални қўлга киритган Россия терма жамоаси умумжамоа ҳисобида голиб чиқди. Кейинги ўринлар Германия ва Франция жамоаларига насиб этди.

● Бразилиянинг Нова-Игуасу шаҳрида тунда поезд билан автобуснинг тўқнашиб кетиши оқибатида камида 20 киши жароҳатланди. Маълумотларга кўра поезд бoshқарувчисининг тақиқланган белги ёниб туришига қарамай ҳаракатни давом эттириши фалокатга сабаб бўлган.

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз муxbарларимиз хабарларидан.


✓ **ЧИЛОНЗОР** тумани тиббиёт бирлашмаси ташаббуси билан Маънавият тарғибот маркази бўлими ҳамкорлигида «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида юртимиз Мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

✓ **УЧТЕПА** туманидаги «Истироҳат» маҳалласида мустақкамлик иштирокида «Она суги — табиат неъмат» мавзуида давра суҳбати уюштирилди.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида одам савдосига қарши кураш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **МАДАНИЯТ** ва санъат кўргазмалар залида халқ амалий ва тасвирий санъати асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

ЧИЛОНЗОР — ЯШНАЁТГАН ЧАМАНЗОР



ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- «Наққошлик» маҳалласида ҳомийлар томонидан бунёд этилаётган замонавий гузар Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги байрамига муносиб тўхта бўлади.
- Биринчи ярим йилликда маҳаллийлаштириш ҳудудий дастури доирасида туман корхоналарида 72,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу эса 45,5 миллион АҚШ долларига тенг импорт ҳажмини камайтиришга имкон берди.
- Туманда иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш тўғрисида сўз борганда, хизмат кўрсатиш соҳаси алоҳида аҳамият касб этади. Утган олти ой давомида аҳолига 461,7 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилди.
- Шу даврда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга тижорат банклари томонидан 68,1 миллиард сўмлик кредит ажратилди.
- Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 106,3 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида шундай ҳақиқатни англадимки, бизнинг маънавий бойлигимиз — бу бетакрор урф-одатларимизу удумларимиздир. Ушбу гўзал қадриятлардан ўзимни айро тасаввур қила олмайман. Бунга кўп миллатли халқимизнинг энг олижаноб фазилатларини ўзида мужассам этган маҳаллалар яққол мисол бўла олади.

Олам аро бебаҳо гулшан, Хар қадами зар, тилло маскан, Тугилган жой — улғайиб-ўсган, Ёмонликнинг йўлини тўсган, Ватан ичра Ватан — маҳаллам, Ота-онам, жон-тан — маҳаллам.

Ҳозирги кунда уч мингга яқин аҳоли яшаётган маҳалламиз туман маҳаллалари орасида алоҳида обрў-эътиборга эга. Бизнинг масканга ташриф

МУСТАҚИЛЛИК — МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

Ҳури ОЛИМХЎЖАЕВА, Лутфий номли маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби:

буюрсангиз, бирдамлик, тотувлик, ҳамжиҳатликда олиб борилаётган ишларнинг гувоҳи бўласиз. Энг азиз, энг улғайиб-ўсган, Ёмонликнинг йўлини тўсган, Ватан ичра Ватан — маҳаллам, Ота-онам, жон-тан — маҳаллам.

Ҳозирги кунда уч мингга яқин аҳоли яшаётган маҳалламиз туман маҳаллалари орасида алоҳида обрў-эътиборга эга. Бизнинг масканга ташриф

фатида бор билимим ва тажрибамни ёшлар билан ўртоқлашмоқдаман. Маҳалламиз мисолида шуни ҳам айтиб ўтмоқчи-манки, юртимизда истиқлол йилларида ўзини ўзи бошқариш тизимига бўлган эътибор ва унинг ўзига хослиги сайёҳу ишбилармонларни хайратга солаётганининг кўп бор гувоҳи бўлганман.

Баркамол авлод йилида жондан азиз фарзандларимиз жисмонан ва маънан етук бўлиб вояга ети-

ши учун кўплаб ибратли ишлар қилинмоқда. Маҳалламизда жойлашган коллеж ва мактабда ўсмирлар учун спорт тўғрисида кўнгалдагидай фаолият кўрсатмоқда. Турли спорт мусобақалари, тадбирлар бунга далолат бўла олади. Фуқароларимиз бандлигини таъминлаш ҳам доимий диққат-эътиборимизда. Бунда бизга Чилонзор тумани бандликка кўмаклашувчи марказ ҳақиқий мададкордир. Камтарона меҳнатимиз давлатимиз томонидан юксак кадрланаётганидан беҳад бахтиёрман. Мустақиллигимиз мустақамла-ниб, турмушимиз янада фаровон бўлсин.

Хар биримиз ўз иш жойимизда юртимиз равнақи учун ҳисса қўшайлик.

Ислохотлар оқидамида

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АСОСИДА

Инсон саломатлиги ҳар нарсадан афзал. Касал бўлиб қолганда эса, албатта, саломатлик посбонларига мурожаат этамиз. Уларнинг тавсиялари асосида қўлланиладиган дори-дармонларнинг соғлиқни тиклашдаги ўрни катта. Шунинг ҳам айтиш жоизки, бугунги кунда аҳолининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини кўплаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қондирмоқда.

Барча соҳаларда бўлгани каби фармацевтикада ҳам ислохотлар босқич-ма-босқич амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз Президентининг «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»-ги ва «2009 йилда sanoat кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»-ги Қарорларига асосан «Radiks» илмий ишлаб чиқариш корхонасида ҳам модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.

«Radiks» асосан таблетка, суртма дори-лар, инъекцион ва инфузион препаратлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонадир. Давлат дастурларига киритилгани боис мазкур корхона бир қатор имтиёзларга эга бўлиб, жумладан 2009 йилда божхона тўловлари

бўйича 643 миллион сўм, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 686 миллион сўм иқтисод қилинди. Ушбу маблағларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришни замонавийлаштиришга, хом ашё ва бутловчи қисмларни харид қилишга, янги турдаги маҳсулотларни тайёрлашга йўналтирилди.

Эътиборли томони, имкониятлардан оқилона фойдаланаётган корхонада бугунги кунда 130 нафар малакали ишчи-хизматчи меҳнати самараси ўларок 80 хилдан ортқ дори-дармон ишлаб чиқарилмоқда. Утган йилнинг шу даврига нисбатан жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 миллиард сўмга тенг бўлиб, ўсиш суръати 152,9 фоизни ташкил этади.

Мухтасар қилиб айтганда, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган корхона келгуси истиқболни бугун яратишга астойдил бел боғлаган.

Дарҳақиқат, аёл инсон кўнглини осмон қадар юксак парвоз қилдирувчи куч, йўлчи юлдуз, миллатнинг орномусидир. Демакки, хотин-қизлар чин маънода жамиятимиз ривожига жуда катта куч-қувватдир. Аёл нафақат ўз оиласи, балки жамиятнинг қамолига ўз улушини қўшади. Бу борада «Соғлом она — соғлом авлод» шиори ҳаётимиз мазмунига айланиб бораётгани ҳам бежиз эмас.

АЁЛ — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

Бу борада Чилонзор туманида амалга оширилаётган ишлар ҳақида туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муаттар Содикова куйидаги фикрларни билдирди:

— Соғлом оила — бу соғлом миллат гаровидир. Туманимизда, дарҳақиқат, қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда ва барча саъй-ҳаракатларини соғлом турмуш тарзини шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий етук авлод тарбиялашга қаратилган.

Юртобимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ва «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив

саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»-ги Қарорлари бу ҳаракатларимизда дастуруламал бўлмоқда. 49 та маҳалла, барча поликлиникалар, халқ таълими муассасалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда фаолият юритмоқдамиз.

Қўшимча томонидан ҳафтанинг хар чоршанба кунини «Хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш кунини» деб эълон қилинган ва худди шу кунлари маҳаллаларда ҳуқуқий саводхонлик тадбирлари ўтказилмоқда.

Тўлақонли оилалар қурилишига эришиш, баркамол авлодни тарбиялаш зиммамиздаги муҳим вазифалардир.

Хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аёлларимизни спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида хар шанба кунлари халқ таълими тизимига бадий гимнастика, сузиш, стол тенниси, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка бўйича турли мусобақалар ўтказиб келинади.

Шарқ аёли дунё аёлларига ибратдир. Ахлоқ-одоб, ҳаё, ибто, латофатда ва айниқса, андишалликда бизнинг аёлларимизга тенг келиш қийин. Ана шу хислатлар боис юртимиз хотин-қизларининг жамиятда тутган ўрни ҳам алоҳидадир.

ЯНАДА ОБОД БЎЛ, АЗИМ ПОЙТАХТИМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Собир Раҳимов туманида ҳам хайрия ҳашари ёлғиз қариялар, жисмоний имконияти чекланганлар, кам таъминланган ва кўп фарзандли оилаларга саховат кўрсатиш билан бошланди. Шу кунларда Тошкент Молия институти қошидаги академик лицей, маиший хизмат кўрсатиш уйи, «Унимакс» савдо уйи — 60 дан зиёд йирик иншоотнинг фойдаланишга топширилиши кутилмоқда. Улуғ айём муносабати билан ўтказилган ҳашарда туман аҳолиси ушбу иншоотлар атрофини ободонлаштиришда фаол иштирок этади. Шу ойнинг ўзида 12,6 минг квадрат метр йўл асфальтланди, 53 минг метр узунликда ирригация тармоқлари тозаланди, 63 та иморатнинг ташқи кўриниши таъмирланди. Ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка йўғрилган саъй-ҳаракатлар саккизта маҳалладаги 130 та хонадоннинг том ва фасад қисмида 240 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари давомида ҳам намоён бўлди. Таалабалар шаҳарчасида истиқомат қилувчи ёшлар эса янги ўқув йилида тантанали очилиш маросимига шайланган Турин политехника университетида ҳашар уюштиришди.

— Бу рақамлар ортида халқимизни улғувчи саховатпешалик, очик кўнглилик, меҳр-оқибат, пок ният каби энг олижаноб хислатлари гавдаланади, — дейди Республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Анвар Аҳмедов. — Мустақиллигимизнинг 19 йиллигини муносиб кутиб олишга қаратилган эзгулик ҳаракати ҳашар анъаналарига кўра, бардавом бўлади, зеро, биз саховатпешаликка йўғрилган бундай савоб ишларни хар кун қилишга одатланганмиз.

Дарҳақиқат, ҳашар барчани юртимизнинг хар бир гўшаси, айниқса шахримиз янада обод ва гўзал бўлишига ҳисса қўшишдек ягона мақсад сари билраштиради. Меҳнат инсонни олижаноб ҳаракатларга, меҳр-шафқатли бўлишга ундайди. Ўзбекларга хос бўлган яратувчанлик ҳисси бизни ҳеч қачон тарк этмасин.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ ПОЙАБЗАЛЛАР

Қулай, сифатли, чидамли ҳамда харидор дид ва эҳтиёжига мос оёқ кийимларига ички бозорда талаб катта. Шунинг назарда тутган ҳолда бозорнинг тинмай ўрганаётган тадбиркорларимиз замонавий технологиялар асосида харидорбоп пойабзаллар ҳам ишлаб чиқармоқда.

Бу борада «Анролжон» хусусий корхонаси тадбиркорларининг изланишларини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Айни пайтда мазкур корхонада 10-15 хил моделдаги мавсумбоп оёқ кийимлари тайёрланмоқда.

— Чидамли оёқ кийимлари хар бир мавсум учун зарур, — дейди корхона директори Аҳрор Шермухамедов. — Шунинг хисобга олган ҳолда дизайнерларимиз бозорни, харидор талаб ҳамда эҳтиёжини ўрганган ҳолда хар бир мавсум учун моделлар яратмоқда. Уларнинг иқлим шароитимизга мослиги, чидамлилиги таъминланади. Биз асосан эркаклар ва ўсмирлар учун пойабзаллар ишлаб чиқарамиз. Замонавий дастгоҳлар пойабзалчиларимизга қўл келмоқди. Маҳаллий хом ашё — табиий чармдан самарали фойдаланиб, маҳсулотларимиз таннархини арзонлаштиришга эришяпмиз, харидорларга кўплаб савдо шохбачалари билан шартнома асосида етказиб бераёпмиз.

Корхона дизайнерлари айни кунларда кузги оёқ кийим моделларини яратмоқда. Асосий эътибор маҳсулот кўриниши ва пишиқ-пухталигига қаратилган.

ЧИННИГА ЖИЛО БЕРИБ

Рўзгорда ҳаммиша асқотадиган ва хонадонларимизга чирой бағишлайдиган чинни буюмларнинг ўзига хос жозибасини оширишда қўли гул хунармандларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Ҳадича Холмухамедова ҳам ана шундай хунарманд усталар сирасидан бўлиб, бир неча йилдан бери хусусий тадбиркор сифатида фаолият кўрсатади.

— Оилавий бизнесни йўлга қўйганимиз, — дейди Ҳадича Холмухамедова. — Айни пайтда чинни буюмларга миллий қадриятларимиз эъзозига эътибор қаратган ҳолда безак берамиз. Асосан пахта гулли безакли чинни буюмларга талаб юқори. Айни пайтда 20 хилдаги чойнак, пиёла, қанддон, ликопча ва бошқаларга безак бериб, уларни буюртма асосида харидорларга тортиқ этаёпмиз. Ранглар жиҳосига, сифатига қаратаётган эътиборимиз маҳсулотларимиз харидорлигини таъминламоқда.

Тадбиркорлар келгусида фақатгина безак ишлари билан шуғулланиб қолмай, чинни буюмларни ўзлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқчи. Бунинг учун керакли дастгоҳларни келтириб ўрнатиш, хом ашёлардан самарали фойдаланиш режалаштирилган. Шунингдек, кўплаб замонавий чинни тўпламларини ҳам тайёрлаш кўзда тутилган.

Шарофат БАҲРОМОВА



ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Бугун жамиятимиз ҳаётининг қайси бир соҳасига эътибор қаратмайлик – иқтисодиёт, фан, саноат, қишлоқ хўжалиги бўладими, шаҳарсозлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат бўладими – барчасида мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида улкан ўзгаришлар ва кенг қўламли ислохотлар амалга оширилганига гувоҳ бўламиз. Ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, банк-молия, суд-ҳуқуқ, гуманитар, маданий-маърифий ва бошқа кўплаб соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бермоқда.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан таълим тизими, хусусан, олий таълимни тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши туфайли катта ютуқларга эришилмоқда.

Ҳозирги кунда фарзандларимизнинг Европа, АҚШ, Хитой, Россия, Япония, Жанубий Корея ёки Малайзия каби давлатларда таълим олиши табиий ҳолга айланди... Бугунги ёшларимиз бирон бир соҳада хорижий тенгдошларидан қолишмайди, аксинча, илмга чанқоқлиги, қобилияти, истеъдоди, ақлий салоҳияти билан чет эллик ўқитувчилар ва дўстларини ҳайратга солмоқда. Бу билан улар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлодни ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш борасида кўрсатилган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг амалий натижаларини яна бир бор намойён этмоқда.

Олий таълим соҳасида, деб хабар беради ЎЗА, халқаро таш-

килотлар томонидан молия-лаштириладиган истиқболли лойиҳалар доирасида етакчи хорижий ва мамлакатимиз олий ўқув юртлири ўртасидаги ҳамкорликнинг тобора ривожланиши ҳам олий таълим муассасалари талабалари ва ўқитувчиларининг малакасини оширишга хизмат қилмоқда. Европа Иттифоқи ТЕМПУС дастурининг «CAD/CAE/CAM ва компьютерда моделлаштириш бўйича магистратура программасини яратиш» лойиҳаси шулар жумласидандир. Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад янги муҳандислар авлодини тайёрлаш бўлиб, мазкур лойиҳа доирасида Тошкент автомобиль-йўллар институти ва Жиззах политехника институтида замонавий компьютер ускуналари ва зарур дастурлар билан таъминланган участка лаборатория ташкил этилди.

Мазкур қўшма лойиҳа доирасида Турин политехника институти (Италия), Стокгольмдаги Кирилл технологический институти (Швеция) билан ҳамкорликда олий ўқув юртлири ишлаб чиқарувчилари ва

ўқитувчилари учун 12 та янги курслар ишлаб чиқилди, ўқув материаллари ва қўлланмалар нашр қилинди ҳамда компьютерда моделлаштириш курслари ташкил этилди. 30 нафардан зиёд ўзбекистонлик талаба ва ўқитувчилар Швеция ва Италияда ўтган ўқув курсларида қатнашди. Таъкидлаш жоизки, мазкур магистрлик дастури бўйича ўқиган мутахассислар муҳандислик соҳасида моделлаштириш, компьютер ёрдамида назарий ва амалий масалаларни юқори даражадаги аниқлик билан ҳал қилиш борасида билимга эга. Бундан ташқари, улар энг янги технологиялар билан ишлаш ва юқори сифатли муҳандислик маҳсулотларини яратиш бўйича таълим олиши мумкин.

Ҳа, бугун ёшлар учун замонавий илм-фан, янги технологиялар ва ишланмалар дунёсига кенг йўл очилган. Шуёқасиз, улар эгаллаган билимини Ватанимиз равақи ва янада гуллаб-яшнаши йўлида сафарбар этадилар.

Зухра УСМОНОВА

ЖАМИЯТ ВА ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Жамиятни ислоҳ қилишда журналистнинг роли» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, Бухоро ва Наманган вилоятларидан ташриф буюрган ёш журналистлар иштирок этди. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу тадбир Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ташаббуси билан Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мақсадимиз ёш журналистларни касбий фаолияти, билим ва кўникмаларини оширишдир, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Нуриддин Муродов. – Тадбирда миллий матбуотимиз таъсирчанлигини оширишга қаратилган қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб бораётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ошқоралигини таъминлаш, медиа соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинаётир. Бу борада замон билан ҳамнафас қонунчилик шакллантирилди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёндарини кенг оммага етказишда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти ҳар доимгидан муҳимроқ бўлаётир.

Семинарда демократик ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тушунтиришда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликка журналист ахборот олишининг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, журналист қасб одоби, жамоатчиликка тезкор, ҳолис ахборот етказишда журналист ихтисослашувининг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққанлар тахрирларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналистнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва профессионал маҳоратини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ва бу борада йўл қўйлаётган айрим камчиликлар борасида тўхтади.

Семинар савол-жавоб ва мунозараларга бой бўлди. Вилоятлардан келган ёш журналистлар иштироки тадбирни янада жонлантирди.

Тошкентга келиб кўпгина тахририятлар фаолияти билан танишиш, тажриба алмашиш имконига эга бўлди. Бу учрашувлар баҳонасида маҳоратим ошаётганини сезяпман, – деди Наманган вилоятидан «Диёнат» газетаси муҳбири Баҳодир Мўминов. – Мамлакатимизда биз, ёшларга, жуда катта эътибор қаратилаётир. Мақсадим етук журналист бўлиш, сон ва сифат жиҳатидан тобора юксалиб бораётган матбуотимизни жаҳон ОАВ билан тенгласа оладиган даражага етишига бор интеллектуал салоҳиятимни сафарбар этишдир.

ЁШЛАР ТАШАББУСИ

Собир Раҳимов туманидаги «Гузарбоши» маҳалласида бир гуруҳ ёшлар иштирокида «Биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тошкент Тиббиёт академияси талабалари ҳамкорлигида бўлиб ўтган мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг дунёқарашини шакллантириш, қўлмаган вазиятларга тушганда ўзини йўқотиб қўймастик, биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишга тайёрлаб боришдан иборат.

Албатта, бунда талабалардан ўз соҳаларини яхши билиш билан бирга, педагогик маҳорат ҳам талаб қилинади. Дарсларда иштирок этган маҳалла ёшлари танага турли жароҳатлар етганда, ноқулай шароитларда қандай йўл тутиш кераклигини ҳамда қандай биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишини ўрганишди.

Сухбат жараёнида ўз билими ва иқтидорини тўла намойён этган ёшларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

«Туркистон-пресс»

ЯНГИ ВА ЮКСАК УФҚЛАР САРИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Тадбирда сўзга чиққан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори В.Тян компанияда ёнилги тежайдиган ва ҳар томонлама қулай замонавий ҳаво кемаларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Бугунги кунда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркида қарийб 200 та самолёт ва вертолёт бор. Мамлакатимиз фуқаро авиацияси тизимидаги миллий авиаташувчи ўз фаолиятининг дастлабки кунларидан ҳаво кемалари паркинги модернизация қилиш, янгилаш ва унификациялаш давлат дастурини амалга ошириб келмоқда, авиакомпания эскирган авиатехника ўрнига замонавий авиалайнерларни харид қилмоқда.

Масалан, «Ил-62», «Ил-86», «Ту-154», «Як-40» самолётлари жаҳон авиация саноати етакчи ишлаб чиқарувчиларининг энг янги, қулай, тежамкор машиналари билан алмаштирилди. Бугунги кунда авиакомпания «В-767-

300ER», «В-757-200», «А-310», «RJ-85», шунингдек, ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114-100» русумидаги самолётлардан фойдаланмоқда. 2010 йилнинг июлида авиакомпаниямиз «А-320» русумидаги янги самолётдан фойдалана бошлади. Миллий авиакомпания яна тўртта «Boeing-767» ва иккита «Boeing-787 Dreamliner» самолётларини харид қилади. Бундан ташқари, «В.П.Чкалов» номидagi Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти билан тузилган шартномага мувофиқ, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси фойдаланилаётган «Ил-114-100» самолётига қўшимча равишда 2010 йилнинг охири ва 2011 йилнинг бошида ана шундай русумдаги яна икки самолётга эга бўлади.

Вилоятлардаги аэропорт мажмуаларини реконструкция қилиш, қуриш ва модернизациялаш ишлари изчил давом этмоқда. Яқинда «Навоий» халқаро аэропортида янги юк терминали тантанали равишда очилди.

Миллий авиакомпаниямиз «Sky Team» халқаро авиация альянсига босқичма-босқич қўшилмоқда. Ушбу альянс дунёнинг йирик авиакомпанияларини бирлаштиради ва бутун дунёда йўловчи ҳамда юк ташиш бозорининг 35 фоизини назорат қилади. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг мазкур альянс билан ҳамкорлиги унинг халқаро авиатранспорт тизимига янада интеграциялашуви учун янги имкониятлар яратади ҳамда парвозлар хавфсизлигини ошириш ва мунтазамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳаво транспортида ишлаш – бу жуда катта масъулият, чуқур билим, вазминлик, энг мураккаб шароитларда ҳам вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятини талаб этадиган кундалик фидокорона меҳнатдир. Нафақат парвозлар хавфсизлиги ва ҳаво паркиннинг техник соғлиги, балки чекка ҳудудларни ёнгиндан ҳимоя қилиш, авария-қутқарув ва тиббий хизматлар билан таъминлаш, мамлакатимиз учун ижтимоий аҳамиятга эга бошқа муҳим вазифаларни бажариш ҳам учувчилар, муҳандислар, техник ходимлар, ерусти мутахассисларининг профессионал маҳоратига боғлиқ.

Соҳа ходимларининг саъй-ҳаракати энг асосий вазифа – парвозлар ишончилиги ва хавфсизлигини, авиаташувлар мунтазамлигини таъминлаш ҳамда йўловчиларга энг юқори даражада хизмат кўрсатишга қаратилган. Уларнинг ўз касбига мана шундай ёндашуви туфайли ҳаво флотини ҳамма мамлакатимиз учун фахр ва ифтихор тимсоли бўлиб қолаверди.

В.НИКОЛАЕВ

2010 йил – Баркамол авлод йили

КИНО ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Республика Киночилар уйида маънавиятни юксалтиришда кино санъатининг ўрнига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда режиссёрлар, актёрлар, санъатшунослар, киностудиялар раҳбарлари иштирок этди, деб хабар беради ЎЗА.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги бош директори вазифасини бажарувчи А.Исҳоқов Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида миллий кино санъатини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 16 мартда қабул қилинган «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бунда муҳим омил бўлаётир.

Кўрсатилаётган юксак эътибор натижасида кино санъатимизда умуминсоний қадриятлар, миллий анъана ва урф-одатлар, ижтимоий ҳаёт манзаралари акс эттирилган фильмлар кўпаймоқда. Бир қатор бадиий ва фильмфильмларимиз халқаро кинофестивалларда совринли ўринларни кўлга киритди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида ёшларда Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёларига садоқат, эзгулик ва инсонийлик каби юксак туйғуларни қарор топтириш муҳим вазифалар сифатида белгиланган. Бу киноижодкорлар зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди.

Тадбирда миллий бадиий етук фильмлар яратиш жараёнида сценарист, режиссёр ва расм ҳамкорлигини ривожлантириш, ёшларни зарарли оқим ва гоёлар таъсиридан асрашда кино санъатининг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, яратилаётган кинофильмларда миллий қадриятлар ва анъаналарни, инсонийлик, меҳр-оқибат сингари фазилатларни кенг тарғиб этиш юзасидан фикр алмашилди.

Гўзал САТТОВА

01

МАСЪУЛИЯТНИ ЗИММАМИЗГА ОЛАЙЛИК

Барчамизга маълумки, ёз гўзал фасллардан бири. Ёзда каттача кичик оромгоҳларда хордиқ чиқаришни хуш кўради.

Янги Қўйлик кўчаси, 14-уйнинг ҳамда 28 июль куни Нукус 1-тор кўчаси, 6-а уйнинг олдида ёнган чиққан. Сабаби кўп миқдорда йиғилиб қолган қурилиш чиқиндилари, кесилган шох-шабба устида охиригача чекилмаган сигарета ташланган. Заҳарли тўтун натижасида теварак атрофда истиқомат қилувчи фуқароларнинг соғлиғига зиён етказилган.

Бундай мисолларни жуда кўп келтиришимиз мумкин. Лекин ўзимиз яшаб турган уй

атрофи саранжом-сарийшта бўлиши, сунъий чиқинди майдонлари юзага келмаслиги учун ҳар биримиз масъулиятни зиммамизга олган ҳолда ҳаракат қилсак, атроф-муҳитга, табиатга, қолаверса, инсонларнинг соғлиғига зарар етиши ҳолатларининг олдини олган бўламиз.

Хусниддин УМАРОВ, Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори, сержант

Ёзда табиатнинг кўрки очилади. Лекин айрим юртдошларимиз бундай гўзалликни бузиб, яшил рангга бурканган дарахтларнинг шохларини кесади ва шаббаларни ўз вақтида олиб чиқиш чораларини кўриш ўрнига, уларни ёқишга ҳаракат қилади.

Олов тилсиз ёв дейилади. Бу иборани била туриб, ўзимиз уйимиз ёнишига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкинлигини ҳар доим ҳам англаб етмаймиз. Мисол, ёндирилган шох-шабба ёки қуриган ўтларнинг учқунини юқорига кўтарилиб, уйимизнинг томига тушиб қолса, ёнган содир бўлиши, ёш болалар кўчада тан жароҳати олиши ҳақида озгина бўлса ҳам ўйлаб кўрамизми? Пойтахтимиз кўчаларида, мавзеларида қуриган ўт, шох-шаббалар йиғилиб қолиши натижасида ёнгинларнинг сони нисбатан кўпайиб кетиш ҳолатлари кузатилаётган.

Жорий йил 26 июнь куни Миробод тумани,

Ёшлар — келажагимиз

ЧЕМПИОН БЎЛИШ ОРЗУСИДА

Жисмонан ва руҳан соғлом авлодгина буюк аждодларимизга муносиб ворис бўла олади. Бугунги кунда бутун республикамизнинг барча ҳудудларида барло этилаётган замонавий спорт иншоотлари, анъанавий тусга кирган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ҳам шу мақсадларга хизмат қилаётир.

Таъкидлаш кераки, мамлакатимизда спортга берилётган эътибор ёшларимизнинг республикамиз ва жаҳон майдонларида кўлга киритаётган ютуқларида яққол намоён бўлаётир.

Сергели туманидаги 17-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ва Олимпия умидлари болалар спорт мажмуасида ўғил-қизларимиз сузиш, футбол, эшак эшиш, бокс, гимнастика, кикбоксинг, муайтай, каратэ каби спортнинг 20 дан ортиқ тури билан шуғулланиб келмоқда.

— Ёшлар билан 13 нафар мураббий машғулот ўтади, — дейди спорт мактаби директори Хайрулла Якубов. — 1991 йилда ташкил топган бўлса, ўтган йили тубдан таъмирдан чиқарилди. Спорт жиҳозлари билан таъминланиб, ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратилди. Саъй-ҳаракатларимиз натижасини спортчиларимизнинг нафақат

республикамиз, балки халқаро мусобақаларда яхши кўрсаткичларга эришаётганида кўришимиз мумкин. Сафимизда Сергей Паньков, Гўзал Исмоилова, Анастасия Хорошева, Анастасия Кикимбаева каби чемпионлар, спорт усталигига номзодлар, келажаги порлоқ иқтидорли спортчилар бор экан, ҳали яна кўп марта янги-янги марраларни забт этамиз.

— Ҳозирги кунда мажмуаимизда 520 нафардан ортиқ ўғил-қизлар спортнинг 15 дан ортиқ тури билан мунтазам шуғулланиб келмоқда, — дейди Олимпия умидлари болалар спорт мажмуаси директори Акбар Вакилов. — Ёшларнинг катта қизиқиши, кунт ва сабр-матонат билан машғулотларда шуғулланиши, республика ва қитъа чемпионлари сафининг ортишига ҳисса қўшаётгани қувонарлидир. Демак, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетмаяпти.

— Спортга қизиқиши шунчалик кучлики, — дейди гимнастикага меҳр кўйган олти ёшли Давроннинг онаси Дилбар Исмаилова, — машғулотларни ҳар доим интиқиб кутади. Албатта, ҳар бир спортчи чемпион бўлиши орзу қилади. Фарзандим ватанпарвар йигит бўлиб чиникишини истайман. Бундай имкониятлар бисёр, фақат улардан самарали фойдаланишимиз лозим. Болаларимизнинг таълим олиши, хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиб, соғлом бўлиб вояга етиши учун барча шароитлар мужассам. Муқаддас юртинг муносиб ўғлонларини вояга етказишда ота-оналарнинг ҳиссаси катта. Буни англаган ҳолда фарзандимни ўз Ватани қорига ярайдиган инсон қилиб тарбиялашга бор кучимни сафарбар этишга ҳаракат қиламан.

Шоира МУҲАМЕДОВА



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Халқаро эпизоотик бюро маълумотларига кўра, бугун қатор давлатларда куйдирги касаллиги бўйича эпизоотик ва эпидемиологик ҳолат мураккаблашмоқда. Минтақамиздаги айрим мамлакатларда ҳам бу борада юзага келган вазият юртимизда эпидемияга қарши кураш самарадорлигини янада оширишни, ҳушёрлик ва огоҳлиқни кучайтиришни тақозо этаётир.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология марказидан маълум қилишларича, мамлакатимизда санитария-эпидемиология муҳити барқарорлигини сақлаш, ўта хавфли юқумли инфекциялар кириб келишининг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, шу асосда изчил иш олиб борилаётир. Бу жараёнда жойлардаги санитария назорати постлари фаолиятини янада такомиллаштириш, қушоналар, гўшт дўконлари ҳамда бозорларда гўшт маҳсулотлари сифатини қатъий назоратда олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, куйдирги одамга мазкур касалликка чалинган ҳайвонларни парваришlash, сўйиш, етарлича термик ишлов берилмаган гўштни истеъмол қилиш орқали юқади. Бунинг олдини олиш учун юртимизда гўшт сифатини назорат қилиш ишлари тизимли ташкил қилинмоқда.

Замонавий бозорларимиздаги гўшт расталари санитария-гигиена талаб-

ликка мойил молларни эмлаш кенг йўлга қўйилган.

ПРОФИЛАКТИКА — БАРҚАРОРЛИК ОМИЛИ

лари даражасида жиҳозланмоқда. Бозорлар ва гўшт дўконларига сифатли маҳсулот етказиб бериши йўлга қўйиш мақсадида, жойларда янги қушоналар, мол сўйиш майдончалари фойдаланишга топширилаётир.

— Куйдирги ҳайвонга хос касаллик ҳисобланади, — дейди ЎЗА муҳбири-Республика давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачси ўринбосари Каримжон Мама-рахимов. — Шу боис профилактика ишларини аввало ҳайвонлар ўртасида амалга ошириш лозим. Ана шу мақсадда юртимизда эмлаш воситалари заҳирасини яратиш ва касал-

Касалликнинг одамлар ўртасида тарқалишининг олдини олиш мақсадида, инфекция юқиш хавфи юқори чўпонлар, қасоблар, ветеринария соҳаси ходимлари ҳам эмланмоқда. Чегара ҳудудлардаги аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, касаллик юқиш хавфи бўлганлар эпидемиологик кўрсатма бўйича эмлашга жалб этилаётир.

Чегара ҳудудларида фаолият юритаётган санитария назорати пунктларида четдан кириб келаётган хорижий фуқаролар ва юртдошларимиз тиббий кўриқдан ўтказилмоқда. Тиббиёт ходимлари ҳушёрлигини оши-

риш мақсадида жойларда малака ошириш машғулоти, семинар-тренинглари ташкил этилмоқда. Бу жараёнда касалликнинг этиологияси, эпидемиологияси, диагностикаси, клиникаси, профилактика ва даволашнинг самарали усуллари юзасидан тажриба алмашилмоқда.

Юртимизда эпидемиологик-эпизоотик муҳитни барқарор сақлашнинг яна бир муҳим шарти аҳоли ўртасида доимий тарғибот-тушунтириш юртишдир. Бундай тадбирларни ташкил этишда шифокорларга тегишли давлат ва жамоат тузилмалари вакиллари яқиндан ёрдам бермоқда. Кенг аҳоли иштирокида ўтказилаётган тадбирларда юқумли инфекциялар тарқалишининг олдини олиш усуллари, профилактика чора-тадбирлари, чорва молларини боқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, боғдорлар, савдо мажмуалари, дўконлардан гўшт харид этиш ва ундан таом тайёрлашнинг санитария-гигиена меъёрлари юзасидан чуқур тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Бундай изчил тадбирлар Ўзбекистонда ўта хавфли юқумли инфекциялар, жумладан, куйдирги касаллиги бўйича эпидемиологик ва эпизоотик вазиятни барқарор сақлашга хизмат қилмоқда.

Баҳор ХИДИРОВА

Мутахассис маслаҳати

КҮЁШ НУРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Чиниқтириш ҳаво, сув ва кўёш воситасида амалга оширилади. Кўёш нурида чиниқтириш организмни мустаҳкамлаш ва турли касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини ўстиришда муҳим аҳамиятга эга, кўёш нури кишининг кайфиятини, уйқусини яхшилаётди. Ҳаётбахш ультрабинафша нурулар одам организмиде фаол бўлмаган витаминни Д витаминига айлантишига ёрдам беради. Бола организмиде Д витамини етишмасе, у рахит билан хасталанади. Бу касалликда организм овқат маҳсулотлари таркибидеги суякларни мустаҳкамловчи фосфор ва кальций тузларини яхши ўзлаштирмайди. Масалан, нормал суяк таркибиде 63,3 фоиз кальций тузи сақланса, рахит касаллиқда унинг миқдори атиги 18,2 фоизни ташкил қилади. Кўёш нуридан нотўғри ва ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш организмга ёмон таъсир қилади. Айниқса болалар жуда ҳам

эҳтиёт бўлиши лозим. Кўёшда ортиқча бўлиш, баданнинг жуда қизиб кетиши организмга зарар келтиради: куйиб қолиш, бош оғриши, қалтираш, лоҳаслик, ҳолдан тойишлар содир бўлиши мумкин. Кўёшда узоқ вақт бош яланг юрилса, офтоб уриши мумкин. Агар ҳадеб офтобда тобланаверилса, баъзи касалликларнинг кучайиши ҳам кузатилади.

Ҳўш, кўёшдан қандай фойдаланиш керак? Кўёш нурида чиниқтиришдан олдин саломатлигини-гизини текшириб, шифокордан зарур маслаҳатлар олинг. Чунки терисини кам пигментли, камқонли, заиф кишилар кўёш нуридан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланиши лозим. Кўёш ваннаси қабул қилиш муддатини аста-секин 5 дақиқадан (ҳар кун 1-2 дақиқадан ошира бориб) бир соатгача етказиш мумкин. Ҳаво ҳарорати 35 даражадан юқори бўлиб, кучли шамол эсиб турган вақтда кўёш ваннасини қабул қилманг. Кўёш ваннаси олишдан олдин ҳаво ваннаси қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг клим шарио-тида кўёш ваннасини эрталаб соат 9 дан то 11 гача қабул қилиш қулай ва фойдалидир. Куннинг биринчи ярмида кўёш нури спектрида инсоннинг чиниқтириш учун зарур бўлган ультрабинафша нурулар кўп бўлади. Куннинг иккинчи ярмида қиздирувчи ультракисил нурулар кўпаяди. Кўёш ваннаси қабул қилинганда, енгил машқлар, спорт ўйинларидан фойдаланинг. Кейин албатта, танани ҳўлланган сочқ билан артиш, устингиздан сув қўйиш, душ қабул қилиш ёки чўми-

Инсон организмнинг энг муҳим хусусиятларидан бири унинг ташқи муҳит ўзгаришларига мослаша олишидир. Мослашишда энг асосий воситалардан бири чиниқтириш ҳисобланади.

лиш фойдали эканлигини унутманг. Афсуски, кўпчилик бунинг тескарисини қилишади. Кўёш ва сув воситаларидан фойдалангандан сўнг соя-салқин жойда 15-20 дақиқа дам олинг. Бадани қорайтириш учун турли кремлардан фойдаланиш кони зарар. Кўёш ваннасидан кейин иштаха яхши бўлиб, лоҳаслик сезилмасе, ва яхши ухласангиз, демак, кўёш витаминидан тўғри фойдаланган бўласиз.

Абдувахоб ТОҲИРИЙ, Республика шифокорлар малакасини ошириш институти валеология кафедраси доценти

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси

Аукцион савдосига такроран Миробод тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. ЖИБ Чилонзор тумани судининг 10.12.2008 йилдаги ижро ҳужжатига асосан, "ЕРА3-76201" русумли, д/р 110636 бўлган, 1983 йилда и/ч, Тошкент ш. ИИББ Ахборот маркази дилий аш сақлаш омборида сақланаётган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 330 000 сўм. 2. ФИБ Учтепа туманлараро судининг 13.12.2007 йилдаги ижро ҳужжатига асосан «Джип Ленд Ровер» русумли, д/рсиз, 1992 йилда и/ч Тошкент ш. Божхона бошқармаси 11-масканида сақланган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 10 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 7 сентябрь кун соат 11:00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz.



Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2765 нуска босилади.
Қоғоз ёнғини А-2

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ҲИКМАТЛАР

Нафсу ҳаво одамани хор этар,
Яъни надомат киби мурдор этар.

Ҳар ким урар ҳиммат этагина даст,
Ҳиммати илгида фалак бўлди паст.

Эр назари бўлса санинг йўлдошинг,
Фам ема гар борса бу йўлда бошинг.

Ҳар кишига ҳиммат эрур роҳбар,
Босқан изинг халқ қилур тожи сар.

Сухбат ўти бирла пишар марди хом,
Ҳосил этар эл ичида неқном.

Эр кишига ҳиммати олий керак,
Ўзгача бир дардею ҳоул керак.

Сидку талаб йўлида, эй номурод,
Босма аёқ эгри, туз эт эътиқод.

Кимки, билиб сўзласе ўз сўзини,
Бўлди яқинким, таниди ўзини.

Ҳар кишиким, еди кишининг тузин,
Айтур анинг васфу камоли сўзин.

Кимдур анга қилмади даврон ситам,
Тортмади ул меҳнату ранжу алам.

Ҳар ким эмас дарду балога сабур,
Бордур анинг ҳимматида кўп қусур.

Улким, эрур толиби иззу шараф,
Доим эрур тири балога ҳадаф.

(«Маҳобҳорат» достонидан)
Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар Кенгаши-нинг 2010 йил 7 августдаги мажлиси қарорига биноан «HIDOYAT» ва «ISLUM NURI» шўъба корхоналари «MOVAROUNNAHR» шўъба корхонасини бирлаштирилди. Бирлаштирилган шўъба корхоналарнинг барча ҳуқуқий ва шартномавий мажбуриятлари «MOVAROUNNAHR» шўъба корхонаси зиммасига ўтди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Яқкасарой туман 1-сонли давлат нотариал идораси катта нотариуси Тоҳир Одилович Қайюмовга онаси Буниса ая ҚАЙУМОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.